



Fidoyilik —
Vatanga xizmat demak!

2025-yil 29-may, payshanba,
63 (24.089)-son

O'zbek xalq
maqoli

El tilagin
tilagin, siniq
ko'nglin
siylagin

1913-yil aprel oyidan chiqib boshlagan



www.zarnews.uz https://www.facebook.com/zarnews.uz @zarnews_uz https://twitter.com/zarnews_uz

Samarqand — Islom olami madaniyati poytaxti

Samarqand shahrida Islom olami madaniyati vazirlari ishtirokida "Islom dunyosining ma'naviy merosi va madaniy ifodalari: xattotlik, musiqa, she'riyat va hamjihatlik" mavzuidagi xalqaro forum bo'lib o'tdi.

Islom dunyosi ta'lim, fan va madaniyat masalalari bo'yicha tashkiloti (ICESCO) tomonidan 2025-yilda Samarqand shahri "Islom olami madaniyati poytaxti" deb e'lon qilinishi va shu munosabat bilan tashkil etilgan tantanali tadbirlar doirasida o'tkazilgan anjumanda ICESCOga a'zo davlatlar madaniyat vazirlari, xalqaro tashkilot va muassasalar mas'ullari, yuqori darajadagi rasmiylar ishtirok etdi.

Anjumanning ochilish marosimida O'zbekiston Respublikasi Madaniyat vaziri Ozodbek Nazarbekov, viloyat hokimi vazifasini bajaruvchi Adiz Boboev, ICESCO bosh direktori Salim bin Muhammad Al-Malik va boshqalar so'zga chiqib, Samarqandning Islom olami madaniyati poytaxti deb e'lon qilinishi



bu qadimiy shaharning Islom dini rivojida tutgan o'rni va bu yerda kamol topgan ulug' allomalar, muhaddislar xizmatlarining yuksak e'tirofi ekanligini ta'kidladilar.

Bugungi kunda O'zbekistonning ICESCO bilan ta'lim, ilm-fan va madaniyat sohalaridagi hamkorlik aloqalari izchil rivojlanib bormoqda. Tashkilot tomonidan 2007-yilda Tosh-

kent shahri, 2020-yilda Buxoro shahri "Islom madaniyati poytaxti" deb e'lon qilindi.

Forumda ICESCO bosh direktori Salim bin Muhammad Al-Malik viloyat hokimi vazifasini bajaruvchi Adiz Boboevga Samarqandga "Islom olami madaniyati poytaxti" maqomi berilgani haqidagi ramziy bayroq va statuetkani topshirdi.



Италия Бош вазири Самарқандда

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Италия Республикаси Бош вазири Жоржа Мелони кеча расмий ташриф билан юртимизга келди.

Бугун Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтадиган олий даражадаги музокараларда Ўзбекистон-Италия стратегик шериклик муносабатларини янада mustaxkamlash va kўp қиррали ҳамкорликни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилади.

Инновацион ҳамкорлик ва гуманитар алмашинув лойиҳаларини илгари суриш диққат-марказида бўлади. Яқунда икки томонлама битимлар тўпламини имзолаш кўзда тутилган.

Viloyat Pedagogik mahorat markazida maktabgacha ta'lim tashkilotlari pedagoglari uchun mahorat markazi ochildi. Markazning ochilish marosimida Maktabgacha va maktab ta'limi vaziri Hilola Umarova, YUNISEF ijrochi direktori Ketrin Rassel ishtirok etdi.

Bog'cha pedagoglari uchun mahorat markazi



Maktabgacha va maktab ta'limi vazirligi Birlashgan Millatlar Tashkilotining Bolalar jamg'armasi (YUNISEF) bilan hamkorlikda "O'zbekiston Respublikasida sifatli maktabgacha ta'limdan foydalanish imkoniyatlarini kengaytirish" loyihasini amalga oshirmoqda. Loyiha Islom taraqqiyot banki tomonidan 50 million AQSh dollariga moliyalashtirilgan.

Dastlab mehmonlarga loyiha doirasida bajarilishi kerak bo'lgan amaliy ishlar taqdimot qilindi. Shundan so'ng markazda tayyorlangan xonalar bilan tanishildi.

Hozirgacha Samarqand, Qashqadaryo, Andijon, Xorazm viloyatlari va Qoraqalpog'iston Respublikasida o'quv markazlarini tashkil etdik, qolgan oltita markaz 2025-yil oxirigacha ishga tushadi, - dedi Maktabgacha va maktab ta'limi vazirligi strategik rivojlantirish boshqarmasi boshlig'i

Oyatulla Rahmatullaev. - Maktabgacha va maktab ta'limi vaziri joriy yil boshida Italiyaga qilgan tashri-fi davomida Redji Emilio ta'lim markazi bilan hamkorlik kelishuvini amalga oshirgan. Hozirda markaz mutaxassislari loyiha doirasida hududlarda amalga oshirilayotgan maktabgacha ta'lim tizimi pedagoglari malakasini oshirish markazlarining o'quv uslubiy ta'minoti yaratishda bevosita ishtirok etmoqda.

Markaz viloyatdagi barcha maktabgacha ta'lim tashkilotlari pedagoglarining malakasini oshiradi. Markazning birinchi bosqichida xonalar jihozlangan bo'lsa, asosiy bosqichida 25 nafar trening o'qitiladi. Ular tumanlardagi maktabgacha ta'lim tashkilotlari pedagoglarini o'qitadi. Shu tariqa barcha maktabgacha ta'lim tashkilotlari qamrab olinadi.

Xurshida ERNAZAROVA.



INDALLOSINI AYTGANDA...

Ro'zimboy HASAN, O'zbekiston Yazuvchilar uyushmasi a'zosi:

- Yer, til, din talashish o'laroq kelib chiqayotgan nizolarga guvoh bo'lganda, "Ey odamzod, qachon urushu qirg'in so'zini lug'atingizdan o'chirasizlar!", deb hayqirg'ing keladi...

Shahar markazida shoshilinch tez tibbiy yordam posti tashkil etildi

- Shoshilinch tez tibbiy yordam markazini Samarqand shahri hududi, Qorasuv massiviga ko'chirganmiz, - degan edi viloyat rahbari Adiz Boboyev joriy yilning 20-may kuni o'tkazilgan hokimlik soatida. - Shaharning bu chekkasida yashovchi bemorni u hududga yetkazguncha 2-2,5 soat vaqt ketadi. Og'ir bemor bo'lishi mumkin, bu yo'lda u qay ahvolda boryapti, holati qanday? Hech kimni qiziqirmaydi.

Viloyat rahbari shahar hokimligi va sog'liqni saqlash tizimi mas'ullariga shahar markazidagi tibbiyot muassasalarida shoshilinch tez tibbiy yordam bo'limini tashkil etish bo'yicha topshiriq bergan edi.

Mazkur topshiriq ijrosini ta'minlash maqsadida shahar markaziy shifoxonasida shoshi-

linch tez tibbiy yordam posti tashkil etildi.

- Qabul bo'limida shoshilinch tez tibbiy yordamga muhtoj bemorlar uchun 3 ta, ya'ni yashil, sariq va qizil hudud tashkil qildik, - deydi Samarqand shahar tibbiyot birlashmasi boshlig'i Ahmadjon Bobojonov. - Ahvoli yaxshiroq bemorlar yashil yo'lakdan kirib boradi



Birlashmaga qarashli jami 408 o'rinni 12 ta bo'lim mavjud bo'lib, bu yerda yiliga 25 ming nafar bemorni qabul qilish imkoniyati mavjud.

To'liq SIDDIQOV.

Коррупциянинг олдини олиш бўйича ишлар натижадорлиги ва келгусидаги устувор вазифаларга бағишланган кенгайтирилган йиғилишда давлатимиз раҳбари сўзининг аввалида ислохлар ҳал қилувчи босқичга кираётган ҳозирги вақтда юртимизда коррупциядан холи муҳит яратиш бўйича ишларга баҳо бериб, келгуси вазифаларни аниқ белгилаб олиш зарурлигини таъкидлади.

ҲАРАКАТ ЗЎР, НАТИЖА СИЗУ БИЗГА БОҒЛИҚ

Сир эмаски яқин-яқинларгача одамлар йўл ҳаракати хавфсизлиги билан боғлиқ "иши"ни "бошқа йўллар" билан ҳал қилишига тўғри келар эди. Утган даврда аҳолининг йўлларда хавфсизлигини таъминлаш борасида ҳам талай ишлар амалга оширилди. Йўл ҳаракати хавфсизлиги инспекторлари боди-камера билан хизмат ўтаётгани, авторакатлар аукционда сотилаётгани, "қўл радар" ва қорғоз баённома тузиш бекор қилинган, таъминот билан коррупция камайгани эътироф этилди.

Шу билан бирга, ҳуқуқ-тартибот идоралари асосан коррупцияни аниқлаш ва жазолаш билан шуғулланиб, коррупциявий омилларни тағ-томири билан йўқотишдан превентив чораларни эътиборсиз қолдираётгани қайд этилди.

Хусусан, саккиз йил аввал ҳудудларни комплекс ривожлантириш бўйича секторлар фаолияти йўл-

Пулни кимга беришни билмаяпсизми?

Унда тартиб-қоида ва мавжуд талабни ўрганинг

га қўйилган эди. Бу тизим йиллар давомида йиғилиб қолган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиб, вазиятни ўнглаш учун барча кучларни сафарбар этишга кўмаклашди. Сўнгги йилларда ҳудудлар салоҳияти бир неча қарра ошди. Лекин кейинги пайтда прокуратура, ички ишлар ва солиқ раҳбарлари секторни баҳона қилиб, ўз соҳасидаги ишларни сўсайтиб юборгани танқид қилинди.

Президентимиз Ички ишлар вазири зиммасига маҳаллалардаги ҳар бир профилактика масканларини кузатиб камераси ва ҳар бир инспекторни "боди камера" билан таъминлаб, ҳуқуқбузарликларни рўйхатга олиш тизимини тўлиқ рақамлаштириш вазифасини қўйди.

Аммо тажриба шуни кўрсатмоқдаки, жараён янги чартабда йўлга қўйилгани билан унинг иштирокчилари - сизу бизнинг фикримиз, дунё-қарашимиз ўзгармаса, бари бекор. Мисол учун, департаментнинг Каттақўрғон шаҳар бўлими ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамкорлигида ўтказилган тезкор тадбирда фуқаро М.Ж. фуқаро Б.Ш.нинг ишончига кириб, унга ҳайдовчилик гувоҳномасини олиб бериши учун 600 доллар олган вақтида ашёвий далиллар билан ушланган.

Тўғри, ҳолат бўйича жиноят иши очилган, айбдорларга тегишли жазо берилди. Лекин савол туғилди, рақамлаштирилган жараёнда инсон омилли аралашолмаслигини билишмайдами? Ҳолат фақат шундангина иборат бўлса, майли эди. Яқинда вилоят имтиҳон олиш марказида 20 га яқин фуқарога танишлари орқали "права" олиб беришни ваъда қилган "азамат" ушланди.

ПЕНСИЯГА ЧИКИШ УЧУН ЭНДИ "ХАРАЖАТ" ҚИЛМАЙСИЗ
Айтиш мумкинки, юқорида қайд қилинган каби ҳолатларга қарамадан парламент юқори палатаси коррупциянинг олдини олиш борасида тизимли ишларни амалга оширмоқда.

Хусусан, олтинчи ялли мажлисида "Аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун муҳокама қилинди.

Мазкур қонун аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган. Қонун билан аҳолига пенсия тайинлаш тизимини замонавий ахборот технологияларини фаол татбиқ этган ҳолда, давлат томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада ошириш мақсадида "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонунга қўшимча олиш ёшига тўлган (эркаклар 60 ёш, аёллар 55 ёш) фуқароларга ёшга доир пенсияни уларнинг алоҳида мурожаатини талаб этмаган ҳолда проактив шаклда тайинлаш тартибини белгилашга оид ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Янги тартиб амалиётга татбиқ этилиши натижасида фуқаролардан пенсия тайинлаш учун Пенсия жағфармасининг ҳудудий бўлимига га ёки Давлат хизматлари марказига мурожаат қилиш талаб этилмайди.

Бундан ташқари, пенсия ёшига етган фуқароларга қонунчиликда белгиланган талаблар доирасида пенсия тайинлаш ҳақида қарор қабул қилинганда уларнинг телефон рақамларига пенсия тайинланганлиги ва унинг миқдори тўғрисида СМС хабар юборилади.

Қонунда шунингдек, фуқаро пенсия ёшига етиб, аммо меҳнат фаолиятини давом эттириб, кейинроқ ёшга доир пенсия олиш истаги бўлганда, проактив шаклда тайинланган ёшга доир пенсияни рад қилиш тартибини ҳам жорий этиш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, қонунга асосан ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламлари ва қўшимчалар киритилмоқда. Шуни қўшимча қилиш керакки, фуқароларга ёшга доир пенсияни уларнинг алоҳида мурожаатини талаб этмаган ҳолда проактив шаклда тайинлаш тартибини белгилашга оид ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.



дан пенсия тайинлаш учун Пенсия жағфармасининг ҳудудий бўлимига га ёки Давлат хизматлари марказига мурожаат қилиш талаб этилмайди.

Бундан ташқари, пенсия ёшига етган фуқароларга қонунчиликда белгиланган талаблар доирасида пенсия тайинлаш ҳақида қарор қабул қилинганда уларнинг телефон рақамларига пенсия тайинланганлиги ва унинг миқдори тўғрисида СМС хабар юборилади.

Қонунда шунингдек, фуқаро пенсия ёшига етиб, аммо меҳнат фаолиятини давом эттириб, кейинроқ ёшга доир пенсия олиш истаги бўлганда, проактив шаклда тайинланган ёшга доир пенсияни рад қилиш тартибини ҳам жорий этиш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, қонунга асосан ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламлари ва қўшимчалар киритилмоқда. Шуни қўшимча қилиш керакки, фуқароларга ёшга доир пенсияни уларнинг алоҳида мурожаатини талаб этмаган ҳолда проактив шаклда тайинлаш тартибини белгилашга оид ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Янги тартиб амалиётга татбиқ этилиши натижасида фуқаролардан пенсия тайинлаш учун Пенсия жағфармасининг ҳудудий бўлимига га ёки Давлат хизматлари марказига мурожаат қилиш талаб этилмайди.

Мариам НИЁЗОВА, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

Raqobat qo'mitasining viloyat hududiy boshqarmasiga joriy yilning birinchi choragi davomida 3021 ga (o'tgan yilning mos davriga nisbatan 1904 taga ko'p) murojaat kelib tushgan bo'lib, shundan 2988 tasi jismoniy shaxslar va 33 tasi yuridik shaxslar hissasiga to'g'ri keladi..

Iste'molchi doim haq

Murojaatlar ayrim idoralar buni yoddan chiqarayotganini ko'rsatmoqda



Murojaatlarning 30 dan ortig'i raqobat sohasiga tegishli bo'lib, ulardan 27 tasi yoki 90 foizi ijobiy hal etilgan. Misol uchun, "Samarqandyo'ko'kalam" davlat muassasasi tomonidan 15 million so'mlik loyiha smeta hujjatlarini tayyorlash xizmati uchun o'tkazilgan davlat xaridlarida qonunlarga rioya etilganligi yuzasidan o'rganish o'tkazilgan.

O'rganish natijalariga ko'ra, hududiy boshqarmaning maxsus komissiyasi "Samarqandyo'ko'kalam" davlat muassasasi tomonidan "Raqobat to'g'risida"gi Qonunning 29-moddasining tegishli talablari buzilgan deb topib, kelgusida qonunbuzilish holatlariga yo'l qo'ymaslik yuzasidan bajariishi majburiy bo'lgan ko'rsatma berdi. O'z navbatida buyurtmachi mansabdor shaxslarga nisbatan ma'muriy bayon-noma rasmiylashtirildi.

Yana bir holatda, viloyat Raqobat boshqarmasiga davlat xaridlari ishtirokchilar uyushmasining byudjet va korporativ buyurtmachilarining e.tender.uz.uz maxsus axborot portal orqali 7 ta lot bilan o'tkazilgan tanlov natijalaridan norozi bo'lib yo'llangan murojaat kelib tushgan.

Murojaatni o'rganish davomida "Samarqand O'zbekgazsuv Qurilish" va "Jomboy qizilqum savdo" mas'uliyati cheklangan jamiyatlari tomonidan o'tgan yil davomida 2 milliard 609 million 134 ming so'mlik tanlov savdolarida "Raqobat to'g'risida"gi Qonunning "eng yaxshi takliflarni tanlashda, tenderlarda, auksionlarda, birjalarda va boshqa savdolarida narxlarni oshirish, pasaytirish yoki saqlab turish" hamda "eng yaxshi takliflarning tanlovlarda, tenderlarda, auksionlarda va boshqa savdolarida raqobatni cheklaydigan yoki cheklashga olib kelishi mumkin bo'lgan harakatlar" va "savdolarida ayni bir lotda faqat affillangan shaxslarning yoki o'zaro manfaatdor shaxslarning ishtirok etishi" holatli aniqlangan.

Shu sabab "Samarqand O'zbekgazsuv Qurilish" va "Jomboy qizilqum savdo" MChJlarga nisbatan belgilangan tartibda ish qo'zg'atilib, tegishli qonuniy ta'sir choralari qo'llanilgan. Qayd qilingan davrda iste'molchi-

lar huquqlarini himoya qilish sohasida 2988 ta murojaat bo'ldi.

Murojaatlar asosan uy-joy va kommunal (2743) hamda savdo va xizmat ko'rsatish (100 dan ortiq) sohasiga to'g'ri kelmoqda. Murojaatlarning 2911 tasi yoki 97 foizi ijobiy hal etilgan. Mazkur murojaatlarni o'rganish natijasida 380 million so'mdan ortiq mablag' iste'molchilar foydasiga qayta hisob-kitob qilinishi ta'minlangan.

Misol uchun, hududiy boshqarmaga fuqarolar tomonidan "Hududgaz Samarqand gaz ta'minoti" filiali olib borayotgan faoliyatdan norozi bo'lib 2500 dan ortiq murojaat kelib tushgan. Ularda asosan suyuqlashtirilgan gaz ballonlari vaqtida yetkazib berilmayotganligi, xizmat ko'rsatish sifati pastligi yuzasidan bo'lib, ushbu murojaatlarni o'rganish natijasida "Iste'molchilarning huquqlarini himoya qilish to'g'risida"gi Qonunning 19-moddasi talablari hamda Vazirlar Mahkamasining 2018-yil 10-avgustdagi "Aholi va ijtimoiy soha ob'ektlariga kundalik hayotda foydalanish uchun suyuqlashtirilgan uglevodorod gazini yetkazib berish tizimini takomillashtirish to'g'risida"gi qarorining tegishli bandlariga amal qilmaslik holatlari aniqlangan.

Shunga binoan, hududiy boshqarma maxsus komissiyasi tomonidan bajarilishi majburiy bo'lgan ko'rsatma berilib, aybdor shaxslarga nisbatan tegishli tartibda ma'muriy jazo choralari qo'llanilgan.

Fuqaro A.Axadovning murojaati mazmuniga ko'ra, u yaqinda uy sotib olganligi hamda olgan vaqtida kommunal to'lov (elektr energiya)dan qarzi yo'qligi ma'lum bo'lgani holda oradan 1 oy vaqt o'tib 10 million so'm qarzdorlik mavjudligi haqida xabar qilinganligini bildirgan.

O'rganishlar natijasiga ko'ra, "Hududiy elektr tarmoqlari" Aning viloyat hududiy filialiga zarur huquqiy tushuntirish berilgan. Natijada fuqaroning asossiz qarzdorligi bekor qilingan.

E.TO'YCHIYEV,
Raqobat qo'mitasi viloyati hududiy boshqarmasi bo'lim boshlig'i.

Samarqand davlat veterinariya meditsinasi, chorvachilik va biotexnologiyalar universitetida 2023-yil iyun oyida "O'zbekistonda veterinariya, biotexnologiya va chorvachilik sohasini rivojlantirish uchun kadrlarni intensiv tayyorlash ilmiy biznes inkubatori" mega loyihasiga start berilgan edi. Ushbu loyiha ilmiy kadrlar tayyorlashning samarali tizimini yo'lga qo'yish, ilmiy izlanishlarni tijoratlashtirish va ishlab chiqarishga joriy etish, talabalar amaliyotini tashkil etish hamda to'liq o'z-o'zini moliyalashtirish mexanizmini yaratish maqsadida barcha imkoniyatlarni o'zida mujassamlashtirgan.

Loyiha doirasida zamonaviy tajriba vivariya klinikasi, o'quv va ilmiy laboratoriyalar bazasi shakllantirildi. Ilg'or texnologik asbob-uskunalar bilan jihozlandi va veterinariya, chorvachilik, biotexnologiya, agroteknologiya, agroiqtisodiyot sohasida yuqori malakali kadrlar tayyorlanmoqda. Asosiysi, ilmiy salohiyat keskin ko'tarildi. Natijada innovatsion fan-talim, ilm va ishlab chiqarishning uzviy bog'liqligi ta'minlandi.

Loyiha doirasida tashkilotlar va aholiga xizmat ko'rsatadigan zamonaviy ilmiy innovatsion markaz tashkil etilib, buyurtmachilar bilan manfaatli hamkorliklar o'rnatiladi.

Loyiha tashkil etilgan vaqtida ilmiy-tadqiqot ishlarini olib borayotgan tadqiqotchilar 34 nafarni tashkil etgan (21 nafari falsafa doktori (PhD) bo'lsa, ulardan 13 nafari fan doktori (DSc) edi.

Bugungi kunda esa loyiha doirasida 40 nafar professor-o'qituvchilar (24 nafari falsafa doktori (PhD), 16 nafari fan doktori (DSc) "Ustoz-shogird" an'anasida 5 nafar magistratura mutaxassisligi hamda 7 nafar bakalavriat bosqichi talabarlari ilmiy-tadqiqot ishlarini 14 ta hayvon

Mega loyiha

doirasida malakali ilmiy kadrlar tayyorlanyapti



turlari (xususan: ot, yirik shoxli qoramol, qo'y, echki, asalari, kurka, tovuq, bedana, quyon, baliq va laboratoriya hayvonlari) ustida izlanishlar olib boryapti.

E'tiborlisi, Tuman va viloyat boshqarmalarida ishlayotgan soha mutaxassislari loyiha doirasida ilmiy tadqiqot ishlarini yuritib, yuqori malakali mutaxassislariga aylantirildi.

Mega loyiha doirasida izlanuvchilar tomonidan olib borilgan ilmiy-tadqiqot ishlarini natijalari asosida Scopus va Web of scientist konferensiyalarida, OAK jurnallarida, OTM, respublika va xalqaro ilmiy-amaliy konferensiyalarda 300 dan ortiq ilmiy maqola va tezislar chop etildi.

Bugun ilmiy-tadqiqot ishlarini olib borgan 7 nafar falsafa doktori (PhD), 4 nafar fan doktori (DSc) ilmiy-tadqiqot ishlarini yakunlab, kafedra muhokamasiga qo'yish uchun tegishli tartibda hujjatlarni rasmiylashtirish bosqichiga o'tdi.

Umuman olganda, mazkur mega loyiha va undan kutilayotgan natijalar Prezidentimizning 2022-yil 8-fevraldagi "O'zbekiston Respublikasida chorvachilik

sohasi va uning tarmoqlarini rivojlantirish bo'yicha 2022-2026-yillarga mo'ljallangan dastur"ning maqsadli parametrlari va asosiy yo'nalishlari - aholini chorvachilik mahsulotlari bilan barqaror ta'minlash hamda chorvachilik va uning tarmoqlarida ishlab chiqarish imkoniyatlarini kengaytirish, oziq-ovqat xavfsizligini ta'minlashga oid davlat siyosatining samarali amalga oshirilishiga xizmat qiladi.

Asosiysi, loyiha oziq-ovqat xavfsizligi, chorvachilik va biotexnologiya sohalari bo'yicha yuqori malakali ilmiy kadrlar tayyorlash, chorvachilik sohasida sifat nazoratini kuchaytirish, eksportga yo'naltirilgan raqobatbardosh mahsulotlar ishlab chiqarish hajmini oshirish, chorvachilik va veterinariya sohasida infratuzilma xizmatlarini ichki imkoniyatlaridan kelib chiqqan holda rivojlantirish kabi eng ustuvor tamoyillarni amalga oshirishda qo'l kelmoqda.

Xudoynazar YUNUSOV,
Samarqand veterinariya meditsinasi, chorvachilik va biotexnologiyalar universiteti rektori, professor.



Toyloq tumanidagi "Marjona, Dilnoza, Mohinur" fermer xo'jaligi tasarrufidagi 21 gektar maydonda bog' yaratish, sabzavot ekish, g'alladan yuqori hosil olish maqsadida bor imkoniyatlarni ishga soladi. Xo'jalik rahbari Mansur Hotamov hozirda 3,5 gektar maydonda malinazor tashkil etgan.

- Besh yil oldin malina bog'i barpo etishga kirishdim, - deydi fermer. - Buning uchun sohani obdon o'qib-o'rgandim, mutaxassislar bilan fikrlashdim. Hozir bir men emas, boshqa fermerlar ham malina yetishtirishga qiziqib qolgan.

Alimardon XUDOYQULOV.

Sud tizimida yangi vazifa

huquqiy tizim samaradorligini oshiradi

Joriy yil 28-yanvarda qabul qilingan O'zbekiston Respublikasining yangi qonuni jinoyat-protsessual qonunchilikka kiritilgan muhim o'zgarishlari bilan tergov faoliyatida shaxsning huquq va erkinliklarini himoya qilish tizimini mustahkamladi.

Ushbu o'zgarishlar, avvalambor, tergov jarayonida shaxsning huquqlarini ta'minlashga va sudga qadar ish yuritishning to'g'ri, shaffof va samarali bo'lishiga qaratilgan.

TERGOV SUDYALARI VAKOLATLARI

Yangi qonunga muvofiq, tergov sudyalarning vakolatlari aniq belgilab qo'yildi. Mazkur qonun bilan tergov sudyalari sudga qadar ish yuritish jarayonida protsessual qarorlarni sanksiyalash va ko'rib chiqish vakolati beriladi. Buning natijasida sudga qadar bo'lgan davrda amalga oshiriladigan huquqiy harakatlarning qonuniyligi, fuqarolarning asosiy huquqlariga daxilsizligi ta'minlanadi.

SUD NAZORATI OSTIDA TINGLASH

Yangi qonun shuningdek, telefon va boshqa telekommunikatsiya quurilmalari orqali olib borilgan suhbatlarni tinglash va ulardan axborot olish jarayonlarini ham sud nazoratiga olishni nazarda tutadi. Bu qaror fuqarolarning huquqlarini asossiz cheklash va ularning shaffof himoyasini ta'minlashga yo'naltirilgan muhim qadamdir. Shu tariqa shaxsning davlat va turli mansabdor shaxslar tomonidan to'g'ridan to'g'ri yoki bilvosita huquqi buzilishlaridan himoyasi yanada mustahkamlanadi.

TINTUV O'TKAZISH UCHUN...

Qonunga kiritilgan yangi normalardan biri jinoyat ishlarida tintuv o'tkazish to'g'risidagi iltimosnomani ko'rib chiqish tartibini aniq belgilashdir. Shu yilda aytish kerakki, endilikda agar tegishli asoslar mavjud bo'lsa, prokuror, tergovchi yoki surishtiruvchi tomonidan tintuv o'tkazish uchun asoslarni bayon qilgan holda iltimosnoma taqdim etilishi shart. Bu tartib jinoyat ishlarini tergov qilishda barcha holatlarni o'rganish va ularni yordamchi vosita sifatida ishlatish imkonini beradi.

Mol-mulkni xatlash tartibi

Qonunga kiritilgan yana bir muhim jihat mol-mulkni xatlash tartibini aniq belgilanishidir. Bu jinoyat ishlarida mol-mulkni xatlashga oid iltimosnomalarni tergov sudyasi tomonidan alohida tartibda ko'rib chiqishni nazarda tutadi. Mol-mulkni xatlash jarayonida shaxslarning huquqlari buzilishi va asossiz mulk ortiqcha tajovuzlarga olib kelishi ehtimoli kamaytiriladi.

Bu o'zgarishlar davlat huquqiy tizimining samaradorligini oshirish va shaxslar xavfsizligini mustahkamlashga xizmat qiladi.



Luqmonboy ASATOV,
Past Darg'om tumanlararo iqtisodiy sudi raisi.

Respublikamizda mahalliy budjetlarning moliyaviy mustaqilligini oshirish maqsadida soliq siyosatida muhim o'zgarishlar amalga oshirilmogda. Xususan, joriy yildan jismoniy shaxslardan olinadigan daromad solig'i tushumlarining kamida 50 foizi tuman (shahar) budjetida qoldirilmoqda. Shuningdek, aylanmadan olinadigan soliq, yuridik shaxslardan olinadigan mol-mulk va yer solig'i, davlat aktivlarini ijaraga berishdan tushadigan tushumlar ham to'liq tuman (shahar) budjetiga o'tkazilmogda.

Bu o'zgarishlar natijasida tuman va shahar budjetlarining daromad bazasi kengayadi, moliyaviy mustaqilligi oshadi, mahalliy hokimiyatlar o'z budjetini mustaqil shakllantirish va sarflash imkoniyatiga ega bo'lmoqda.

Prezidentimizning 2023-yil 21-dekabrda "O'zbekiston mahallalari uyushmasi faoliyatini yo'lga qo'yish va mahallalarda boshqaruv tizimini takomillashtirishga oid qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi qaroriga asosan jismoniy shaxslardan olinadigan mol-mulk va yer solig'i bo'yicha undirilgan mablag'larning (noturarjoylar bo'yicha undiriladigan mol-mulk va yer solig'i bundan mustasno) 10 foizi mahalla budjetiga o'tkazilishi belgilangan.

Soliqlarning katta qismi hududlarda qoldiriladi

Mablag'lar nimalarga sarflanadi?



2024-yilda Past Darg'om tumanidagi 107 ta mahalla ixtiyorida jami 11 milliard 111 million so'm pul mablag'i qoldirildi. Mazkur qaror bo'yicha qoldirilgan mablag'lar mahalla infratuzilmasini yaxshilash, aholi uchun qulay turmush sharotini yaratish, ijtimoiy himoyaga muhtoj va kam ta'minlangan oilalarga moddiy ko'maklashish hamda ularning turarjoylarini ta'mirlash va jihozlashga yo'naltiriladi.

Yuqoridagi o'zgarishlar natijasida tumanimizda 2024-yilning 1-may sanasiga 14 milliard 349 million so'm tushum ta'minlangan bo'lsa, 2025-yilning shu davriga qadar jismoniy shaxslardan olinadigan yer va mol-mulk soliqlardan 24 milliard 339 million so'm mablag' tushishiga erishildi.

Joriy yilning birinchi choragi uchun mahalliy budjet rejasi 44 milliard 22 million so'm etib belgilanib, amalda 45 milliard 662 million so'mga bajarildi.

Davlatimiz rahbari tomonidan ilgari surilgan ushbu tashabbus mahalliy budjetlarning mustaqilligini oshirish, moliyaviy resurslarni samarali boshqarish va hududiy rivojlanishni ta'minlashga xizmat qilmoqda. Qolaversa, aholining soliqlarni o'z vaqtida to'lash mas'uliyatini oshirib, qaytarilgan 10 foizlik mablag'dan mahalla infratuzilmasini yaxshilashga xizmat qiladi.

Firdavs NIZOMOV,
Past Darg'om tuman soliq inspeksiyasi boshlig'i.

Yoshlar - har qanday jamiyatning ertasi. Ularning qay yo'ldan borishi, qanday bilim olishi va qay darajada mustaqil fikrlay olishi nafaqat shaxsiy taqdiri, balki butun millatning kelajagiga ta'sir ko'rsatadi. Shuning uchun ham bitiruvchi yoshlarni oliy ta'limga oqilona, to'g'ri va puxta yondashuv asosida yo'naltirish nafaqat tarbiya, balki ijtimoiy barqarorlik masalasidir.

MUAMMO NIMADA?

Ko'p hollarda maktabni bitirayotgan yoshlar hayotdagi yo'nalishini aniq tanlamasdan, tasodifan qaror qabul qiladi. Kimdir ota-onasi aytgan kasbni tanlaydi, kimdir do'stlari qaysi yo'nalishga kirgan bo'lsa, o'sha tomonga buriladi. Yomonrog'i - ba'zilar faqat vaqtincha daromad topish maqsadida ishlashni afzal ko'radi. Bu esa ularning kelajakdagi barqaror o'sishi va kasbiy shakllanishiga to'siq bo'lishi mumkin.

Mana shunday sharoitda nafaqat ta'lim muassasalari, balki mahalla, ota-ona va jamiyatning barcha bo'g'inlari hamkorlikda harakat qilishi talab etiladi.

DUNIYODA BU MUAMMOGA QANDAY YONDASHILMOQDA?

Masalan, Germaniyada dual ta'lim tizimi keng tarqalgan bo'lib, o'quvchilar ta'limning

Singapur va Germaniya nimani to'g'ri qildi?

Biz nima qilishimiz kerak?

ma'lum qismini darsxonada, qolgan qismini ish joyida amaliy tajriba olish orqali o'rganadilar. Bunday tizimda o'quvchi nafaqat nazariy bilim oladi, balki ish tajribasi, mas'uliyat, jamoada ishlash ko'nikmalariga ham ega bo'ladi. Eng muhimi, ular bitirganidayoq "tajribang yo'q" degan to'siqqa uchramaydi.

Singapurse esa har bir fuqaro ta'lim uchun ma'lum miqdorda mablag' oladi va uni istalgan kurs, mutaxassislik yoki kasbiy yo'nalishda sarflashi mumkin. Bu tizim yoshlarni "qaysi sohada men o'zimga ko'raman?" degan savolga javob izlashga undaydi. Natijada tanlov ongli, ta'lim esa samarali bo'ladi. Bu talon davlat budjetidan ajratiladi va uni ta'limdan boshqa yo'nalishga sarflash mumkin emas.

O'zbekiston Germaniya namunasidan kelib chiqib, texnikum va kasb-hunar maktablari mahalliy ishlab chiqarish korxonalarini bilan kelishuv asosida dual ta'lim yo'nalishini yo'lga qo'yishi mumkin. Masalan, elektr ustaligi, mexanika, qishloq xo'jaligi kabi sohalarida o'quvchilar haftaning 2-3 kunida amaliy ish joyida tajriba to'plashlari mumkin. Bu borada dastlabki harakatlar boshlangani quvonarli.

Yana, Singapurdagi kabi 11-sinf bitiruvchilariga maxsus ta'lim taloni berish mumkin. Ushbu mablag'ni ular testga tayyorgarlik kurslari, kasb-hunar markazlari yoki dasturlash, til o'rganish kabi sohalarida sarflash imkoniga ega bo'ladi. Bu teng imkoniyat va ongli tanlovni rag'batlantiradi.

Har bir maktabda yoki tumanda kasbiy yo'naltirish markazlari tashkil etilishi lozim. Bu yerda yoshlarga shaxsiy qobiliyat, qiziqish va bozor ehtiyojlarini hisobga olgan holda maslahatlar berilishi kerak.

KELAJAKNI QURADIGAN TIZIM KERAK

Oliy ta'lim bugungi kunda nafaqat bilim, balki kelajakdagi iqtisodiy va ijtimoiy barqarorlikning kafolatiga aylanoqda. Lekin yoshlar oliy ta'limga tasodifan emas, ongli va maqsadli yuzlanishlari kerak. Buning uchun esa dunyo tajribasini o'rganish, ichki sharoitga moslashtirish va tizimli yechimlar joriy etish talab etiladi.

Ahmad TURSUNOV,
Samarqand davlat chet tillar instituti katta o'qituvchisi.

Болаларни интеллектуал қобилиятига қараб ўқитайлик касб-кор ўргатайлик

Олти-етти йилдан бери мамлакатда асосий эътибор мактаб ва олий таълимга қаратилган. Ёзда тест синовларида ва яхши ўқийдиганларни ажратмасдан ўтказилган халқро рейтингларда ишларнинг натижаси яққол кўринади. Тўртта-бешта ўқувчининг четдаги ва мамлакат ичидаги кучли олий ўқув юртига кириши таълимдаги реал аҳволдан дарак бермайди. Чунки 37 миллионли халқ орасида ҳамма вақт табиий талантлар ва уларнинг орасида турган кам сонли ота-оналар ҳамда ўқитувчилар ҳам бўлади. Бу уларнинг биргаликдаги меҳнати натижаси.

Бу соҳада қаерда хатога йўл қўямиз, вазиятни яхшилаш учун нима қилиш керак? Катта маблаг ва қарийб 20 йил вақт кетган академик лицей ва касб-хунар коллежлари нима учун кутилган натижани бермади? Бу саволларга аниқ жавоб борми? Агар мустақилликка эришганимиздан бери барча таълим соҳаларининг "тарихи", бугунги ҳар томонлама, чуқур ўрганилмас экан, бу саволларга жавоб

ҳам бўлмайди. Жавоб ва ўшанга яраша иш бўлмаса, тўғри йўлдан кетаяпмизми ёки яна адашяпмизми, уни баҳолашнинг ҳам имкони бўлмайди. Катта эътибор қаратилган соҳанинг камчиликларини ўрганишга, таҳлил қилишга, хулоса чиқаришга, тузатиш учун тегишли қарорлар қабул қилиб, уларни амалга оширишга эътибор берил-яптими? Деҳиқона айнан масаланинг шу томонига етарли эътибор

йўқ, бўлганда, вазият бундай бўлмасди. Нима қилиш керак? Мактаб ва олий таълимда ўз фикрига эга бўлган ва уни айтган, матбуотда ёзган, тўғридан-тўғри ўқувчи ва талаба билан ишлаётган 25-30 та табиий фанлар бўйича илгор педагоглардан ташкил топган таълимни ўрганиш институти очилсин керак. Институтнинг вазифаси материал тайёрлаб, СКОПУСга

мақола ёзиш эмас (материал бўлдики, мақола ўз ўзидан бўлади), балки таълимнинг ҳақиқий аҳволини доимий равишда ўрганиб боришдан, унинг натижаларига кўра асосий камчиликларни аниқлашдан ва уларни бартараф этиш бўйича ўқитувчиларга ва тегишли органларга тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат бўлади. Т.Қориниёзов номидаги педагогика илмий тадқиқот институти ҳам шу институтга қўшиб юбориш мақсадга мувофиқ бўлади.

Институтнинг ҳамма ходими Тошкентда ишлаши шарт эмас, чунки ўрганиш объекти бўлган мактаблар ва бошқа таълим даргоҳлари республикамизнинг ҳамма вилоятларида бор. Институтнинг асосий функцияси назорат қилиш эмас, балки аҳволни узлуксиз ўрганиб боришдан иборат бўлиши ва бунинг учун у тамоман мустақил бўлиши керак. Чунки биринчидан, мактабга ёки ОТМга назоратчи борганда суҳбат бошқача, ўрганувчи борганда эса бундан тубдан фарқ қилади.

Абдулла Қуватов,
СамДУ доценти.

(Давоми кейинги сонларда)

Хотира



Бугун 80 ёшни қаршилаганлар Иккинчи жаҳон урушини кўрмаган. Лекин жанггоҳлардан тирик қайтган инсонлар билан суҳбатлашган, мулоқот қилган. Урушнинг даҳшатлари, қийинчиликлари ҳақида қилган эшитишган...

Мардлик ва жасорат изсиз кетмайди

Кўчамизнинг охирида Володя амаки оиласи билан яшарди. Унинг бир оёғи йўқ бўлиб, қўлтиқтаёқ ёрдамида ҳаракатланарди. Амакининг ҳаворанг "Волга"си бўларди. Қизи Люба билан бир синфда ўқирди. Володя амаки кўпинча бизни машинасига миндириб айланттирарди. Амаки ўзбек тилида равон гапирар, фамилияси Сладков бўлгани учун "Ширинбоевман", дерди ҳазил қилиб. Кўчамизда яна бир Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, милицияда хизмат қилаётган Олмос Бобоев ҳам яшарди. У ўғлининг исмини Валентин деб қўйганди. Чунки урушда Валентин исми ўртоғи унинг ҳаётини сақлаб қолган экан.

Бола бўлсак-да, уруш деярли барча оилаларга зиён етказганини ҳис қилардик. Ким билан гаплашманг, уларнинг отаси, акаси, амакиси ёки тоғаси урушда ҳалок бўлган, яраланган эди. Шу боис ўша давр одамлари бир-бирига меҳрибонлик, ғамхўрлик қилишарди.

Турмуш ўртоғимнинг катта отаси, яъни қайнонамнинг отаси Турат Ўсаров гавдали, қорачадан келган, баланд бўйли киши эди. Халқимиз бундай одамларни полвон дейишарди. Турат ота сал чўлоқлиниб, таёққа суяниб юрарди.

Биз Самарқанд шаҳрида яшаймиз, ота-онамиз эса Жиззахнинг Зоминида. Турат бобо бизникига тез-тез келиб турарди. Чунки қайнонамнинг укаси ҳам Самарқандда яшарди. Турат ота билан суҳбатимиз қизирди. Мен ош пиширардим, нон ёпардим. Ошни егандан сўнг Турат ота Ҳалима она билан мени мактаб-мактаб дуо қиларди. Турат ота сўзга чечан бўлиб, бирор мавзуда гапирсалар, ҳамма жон-дили билан тингларди.

Бир куни Турат ота ўтмиши ҳақида гапирди берди. Ёшлиғида ота-онадан айрилиб, меҳрга зор ўсган бола иш, нон топиш илинжида Чинозга борган. 1923 йилда болалар уйда яшаган. Икки йилдан сўнг Зоминга қайтиб, ёшлар ташкилотиде меҳнат қилган. 1932 йил Самарқанд давлат университетига ўқишга кириб, уни аялга битирган, ўзбек миллий дивизияси сафига қўшилган. Кўп ўтмай, дивизиянинг биринчи полк кавалериясига политрук этиб тайинланган.

1938 йилдан кейин Тошкентдаги ҳарбий билим юртида тахсил олган. Иккинчи



жаҳон уруши бошлангунча дивизия комиссари ва батальон бошлиғи лавозимларида фаолият кўрсатган.

1941 йили фашистлар бостириб келганда Т.Ўсаровнинг ҳарбий тажрибаси инobatта олиниб, уни Наманган вилоятига кавалерия корпусини ташкил қилиш учун юборишди. Кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Марказий Қўмитаси биринчи котиби Усмон Юсупов билан суҳбатга чақирилган.

1942 йил комиссар Турат Ўсаров фронтга жўнатилади. Руминия, Венгрия, Австрия ва Чехословакия ҳудудларидаги қонли жангларда қатнашади.

Турат Ўсаров урушда довурак жанчи, дивизия ва батальон командири сифатида Берлинга боради. Урушдаги қаҳрамонликлари, жасуриги учун бир қатор орден ва медаллар билан тақдирланди.

Урушдан кейин Турат ота кўп йиллар Зомин ва Баҳмал туманларидаги бошқарув лавозимларида ишлади. Жангчи қаҳрамоннинг ташаббуси билан ушбу ҳудудлар обод бўлиб, катта-катта боғлар яратилди, қишлоқлар тоза ичимлик суви билан таъминланди, мактаблар, кўприклар, ҳаммом-лар курилди.

Турат Ўсаровдек элпарвар, довурак ўғлонлар доим халқимизнинг қалбида, хотирасида яшайди. Улар қолдирган ибрат, хайрли иш ва эзгу амаллар бугунги авлод томонидан давом эттирилади.

Гулнора МАНСУРОВА,
фалсафа фанлари доктори,
Тошкент давлат иқтисодий
университети профессори.

REKLAMA, E'LONLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada uch marta - seshanba, payshanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e'lonlar tekzor, samarali va hamyonbop / MUROJAAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

YIG'ILISHDA QATNASHING!

Samarqand shahridagi "Marmar dehqon bozori" ma'suliyati cheklangan jamiyati ta'sischilarining navbatdagi umumiy yig'ilishi 2025-yil 25-iyun kuni soat 10:00 da jamiyat ma'muriy binosida bo'lib o'tadi.

Kun tartibida:

- jamiyat raisining 2024-yil yakunlari bo'yicha hisoboti;
- jamiyatning 2025-yilgi biznes-rejasini tasdiqlash;
- boshqa masalalalar.

Yig'ilishga barcha ta'sischilarni taklif etamiz.

Manzil: Samarqand shahri Shohrux ko'chasi, 33-uy.

"Marmar dehqon bozori" MCHJ binosi.

JAMIYAT MA'MURIYATI.

DA'VOLAR BO'LSA...

Jomboy tumanida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Mamatqulov Otabek Bolbekovich notarial idorasida marhum Primova Shaxzodaga (2025-yil 16-yanvarda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilmoqda. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Mamatqulov Otabek Bolbekovich notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

Manzil: Jomboy tumani Saroy ko'chasi, 15-uy.

Samarqand shahrida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Norqulov Kamoljon Toshboltaevich notarial idorasida marhum Kim Lyubov Dmitriyevnaga (2021-yil 17-martda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilmoqda. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Norqulov Kamoljon Toshboltaevich notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

Manzil: Samarqand shahri Rudakiy ko'chasi, 126-uy, 4-xona.

Samarqand shahrida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Isoqulova

Nigora Turdiqulovna notarial idorasida marhum Bachakulov Gulmurad Djurayevichga (2020-yil 16-noyabrda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilmoqda. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Isoqulova Nigora Turdiqulovna notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

Manzil: Samarqand shahri Abu Rayhon Beruniy ko'chasi, 12-uy.

Samarqand shahrida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Umarov Akmaljon Shavkatovich notarial idorasida marhum Rustamova Muxayoga (1994-yil 21-noyabrda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilmoqda. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Umarov Akmaljon Shavkatovich notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

Manzil: Samarqand shahri Abdurahmon Jomiy ko'chasi, 17-uy.

Samarqand shahrida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Narzullayeva Lola Shukurullayevna notarial idorasida marhum Maxmudov Muzafarga (1998-yil

4-sentabrda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilmoqda. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Narzullayeva Lola Shukurullayevna notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

Manzil: Samarqand shahri Nodirabegim ko'chasi, 5/1-uy.

Samarqand shahrida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Bobomurodov Pirmamat Isomiddinovich notarial idorasida marhum Gulyamov Askarga (2007-yil 11-sentabrda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilmoqda. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Bobomurodov Pirmamat Isomiddinovich notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

Manzil: Samarqand shahri Beruniy ko'chasi, 12-uy.

Samarqand shahrida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Aliyeva Lola Zoirovna notarial idorasida marhum Raximova Uguloy Melikovnaga (2024-yil 11-dekabrda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilmoqda. Shu munosabat bilan

merosxo'rlarning Aliyeva Lola Zoirovna notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

Manzil: Samarqand shahri Amir Temur ko'chasi, 158-uy.

Samarqand shahrida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Norqulov Kamoljon Toshboltaevich notarial idorasida marhum Yorov Karimga (2016-yil 18-oktabrda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilmoqda. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Norqulov Kamoljon Toshboltaevich notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

Manzil: Samarqand shahri Rudakiy ko'chasi, 126-uy 4-xonadon.

Payariq tumanida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Islomov Shuhrat Qarshiboyevich notarial idorasida marhum Murodov Baxtiyar Ablaberdievichga (2021-yil 2-avgustda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilgan. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Islomov Shuhrat Qarshiboyevich notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

Manzil: Payariq tumani Chelak shaharchasi, Istiqlol ko'chasi, 13-uy.

Samarqand tumanida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Davronov Mahmud Hasan o'g'li notarial idorasida marhum Turakulov Uygunga (2011-yil 2-aprelda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilmoqda. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Davronov Mahmud Hasan o'g'li notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

Manzil: Samarqand tumani Oqmachit mahallasi, Bag'rikenglik ko'chasi, 4-uy.

Samarqand shahrida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Bobomurodov Pirmamat Isomiddinovich notarial idorasida marhum Karimov Nasimga (2016-yil 31-dekabrda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilmoqda. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Bobomurodov Pirmamat Isomiddinovich notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

Manzil: Samarqand shahri Beruniy ko'chasi, 12-uy.



Vasvasa

Mahliyo alahsirab, qattiq qo'rquvdan uyg'onib ketdi.

Negadir boshi lo'qillab og'rir, sochlari jiqqa ho'l. Tunda yopinib yotgan choyshabi g'ijim bo'lib ketgan, yostig'i karavotidan tushib, yerda yotardi.

U ohista o'rnidan turdi-da, deraza pardasini ochdi. O'tob allaqachon nayza bo'yi ko'tarilib, atrof yorishib ketgan. Mahliyo odatda uyqudan burchalik kech turmasdi. Doim barvaqt turar, hovlida supur-sidirni boshlaganida masjiddan azon eshitarladi. Bugun choshgohgacha uxlab qolibdi.

Kechagi voqealar Mahliyoning xotirasida jonlana boshladi.

U o'z joniga qasd qilmoqchi bo'ldi. Qaydandir arqon topdi, uyda hamma uxlaganiga ishonch hosil qilgach, hovli to'ridagi ayvon sari bordi. Kutilmaganda qorong'ida yo'lakda unutilib qoldirilgan chelakka oyog'i urilib, jaranglatib yubordi. Shovqindan tashqarida so'rida yotgan otasi uyg'onib, mushukni haydagandek:

- Pish! - deb ovoz chiqardi uyqu aralash.

Mahliyoning rejasi barbod bo'ldi. U turgan joyida birpas to'xtab, arqonni uloqtirdi-da, oyoq uchida yurib, yana yotoqxonasiga qaytdi.

...Yaxshiyam chelakka surinib ketibman, dedi u ichida. Bo'lmasa, kecha achchiq ustida. Hozir hovlimizda yig'i-sig'i avjga chiqib, odam to'planardi. Otam, onaning holi ne kechardi? Qishloqda falonchining qizi o'z joniga qasd qilbdi, degan sovuq

xabar tarqalib ketardi-ya. Qanday sharmandalik!..

Mahliyo ko'zga yoniga bordi. Qovoqlari shishib ketibdi. Ko'z qorachig'i atrofi qizargan. Sochlari to'z'ib yotibdi. U aft-angorini hech qachon bunday so'lg'in ko'rmagan.

Yana xayolidan kechagi voqealar bir-bir o'ta boshladi.

Ertalab kollejga o'qishga bordi. Tanafusda yana o'sha tanish nigohga duch keldi. Akram Soliyevich Mahliyoning salomiga alik olib, yengil va samimiy bosh irg'ab, o'tib ketdi. Mahliyo uni xonasiga kirib ketgunicha nigohlari bilan o'g'rincha kuzatib qoldi.

Mahliyo o'qituvchisi Akram Soliyevichni sevib qolgan. Faqat u haqida o'ylagan o'ylagan. Yotsayam, tursayam, uydamay, ko'chadayan xayoli unda. Ha, o'qituvchining oilasi, farzandlari borligini biladi. Bu his-tuyg'ulari uni oxiri voy ko'chaga boshlayotganini ham tushunadi. Ammo u qanchalik bu to'g'rida o'ylamasin, befoya. Muhabbati kun sayin alanga olib, aqlu hushi tamomila jilovidan chiqib borardi.

U o'qituvchisining e'tiborini tortish uchun nimalar qilmadi. O'ziga boshqacha oro berdi. Har kuni ko'zga tashlanadigan bichimlarda yangi liboslar kiydi. Bu boshqa ko'p yigitlarning diqqatini tortdi-yu, ammo o'qituvchisini rom etolmadi. Akram Soliyevich har safar Mahliyoning yonidan o'qituvchilarga xos odob va tavoze bi-

lan o'tar, uni kutib, o'ziga qadali b turgan umidli nigohga sovuqqina qarab, beparvo burilib ketardi.

Mahliyo kecha anchadan buyon o'ylab, ko'nglida obdon pishitib yurgan rejasini amalga oshirishga chog'landi. U qizlik or-nomusini ham, g'ururini ham unutil, Akram Soliyevichning telefoniga SMS yozdi. Unga sevgi izhor qildi, istirohat bog'ining xilvatroq joyiga taklif qildi.

Mahliyo ko'zga yonida turib, o'ziga avvalgidan ham ziyod oro berdi. Baxmalday quyuq, qalin sochlarini sharsharaday yelkasiga tashlab, guldor koftasini kiydi. So'ng o'zi uchrashuv tayin etgan joyga borib, shu yaqindagi o'tirg'ichga o'tirdi. Oradan qancha vaqt o'tdi, bilmaydi, bir payt:

- Nodirova, yaxshimisiz? - degan ovoz eshittildi. Bu Akram Soliyevich edi.

U Mahliyoga qo'l uzatib, salomlashdi ammo o'tirmadi.

- Mahliyo, - dedi u yon-atrofga ehtiyotkor nazar tashlab. - Bilasiz, men oilaliman, ikki nafar farzandim bor, yangangizni ham tanisangiz kerak.

Akram Soliyev bir zumlik sukunatdan so'ng qo'l soatiga shoshilinch bir qarab olib, so'zini mehribonlik bilan davom ettirdi:

- Tuyg'ularingizni qadrlayman. Men ham sizning yoshingizda shunday hislarni boshdan kechirganman. Sizni tushunaman. Keling, aka-singil yoki do'st bo'lib qolaylik. Faqat iltimos, va'da bering, boshqa menga bunday xat yozmaysiz, xo'p.

Mahliyo o'qituvchisining yuziga hatto qaray olmadi, so'zlariga javob ham qaytarmadi. U uyatdan qizardi, ilk muhabbati javobsiz qolganidan, hamiyati toptalganidan o'tirgan ko'yi haykalday qotib qoldi. Bir ahvolda sudralib uyga keldi. O'zini karavotiga otdi. Uning uchun go'yo hayot tugagan, dunyo zimistonga aylangandi...

Yarim tunni yoki tong mahalmi, bilmaydi. O'rnidan turdi va bir shum niyat uchun hovliga chiqdi.

...Mahliyo kecha sodir bo'lgan voqealarni eslab, qo'rqib ketdi. Xayriyat, dedi u xayolan. Chelakka turinib ketibman, otam uyg'onib qolibdi. Aks holda...

Tashqaridan onasining tovushi eshittildi: - Mohi, tur, tayyorgarlik ko'raylik. Bugun sovchilar kelarmish, qizim.

Gulbahor JUMANAZAROVA, Paxtachi tumani.

Novella



Саидвали аканинг армони

Саидвали акани акиндан билганлар бу сарлавлани ўқиб, таажжубга тушишлари аниқ: "Шундай инсонда ҳам армон бўлиши мумкинми?"

Армони бор экан, уни фақат ўзи ва мен билсам керак.

Шаҳар маҳалла бўлимига раҳбар этиб тайинланганимдан сўнг янги иш жойимга кўчиб ўтарканман, бино биринчи қаватининг бир қисми маҳалла ихтиёрида экани эътиборимни тортиди. Эшикдан ҳар кун кириб чиққандан сўнг маҳаллада ишлайдиганлар билан юз қўришишга тўғри келиши табиий. Биринчи учрашувдаёқ ёшига нисбатан ҳаракатчан бўлган Саидвали ака диққатимни тортган. Нима иш қилар экан, деб ўйладим. Бир учрашганда сўраганим, жамоатчилик асосида маҳалла раисига маслаҳатчи эканини айтиди ва қабул қилсам, бир масалада ёрдам беришимни илтимос қилди.

- Шу ерда бўлсам, бемалол кирверинг, - дедим.

Масаласи жуда жиддий ва ўта оғир экани у билан шунгулланганда маълум бўлди. Орадан анча муддат ўтган бўлса-да, уни учратганда ўша вақтлар ҳис қилган хижолатли ҳолат таъсиридан ҳамон қўтилмаганимни сезаман.

- Маҳалла бўлими биносининг бир қисмида маҳалла фуқаролар йиғини ҳам жойлашган, деб ўйлаган бўлсангиз керак, тўғрими? - деди Саидвали ака масаласини айтгани кирганда. Кейин жавобини ҳам кутмай, гапини давом эттирдим:

- Аслида маҳалла фуқаролар йиғини биносининг бир қисмида сизлар жойлашиб олгансиз.

- Бино бўлимининг балансида-ку? - дедим ҳайрон бўлиб.

- Бу жой маҳалланингни ўрни. Маҳалла ҳодимларининг ҳар бири учун алоҳида хона, нурунийлар учун чойхона ва каттагина боғ бўлган маҳалла маркази эди бу жой. Эслайсизми?

Эсладим, аэропорт билан шаҳарни боғлайдиган бу кўчадан кўп ўтганман. Маҳалла ҳудуди йўлак бўйлаб ўрнатилган панжарали девор орқасида яққол кўриниб турарди. Маҳалла биносини ҳам эски деб бўлмасди. Аркали қилиб ясалган нақ-шинкор темир панжарали дарвоза ёдимга тушди.

Алкисса, ўшанда бинони замонавий қилиб қуриш бўйича таклиф бўлган. Тадбиркор томонидан давлат-хусусий шериклик асосида маҳалла ҳудудининг ярмига маҳалла учун, қолган ярмига ўз эҳтиёжи учун бино қуриб берилиши бўйича қарор қабул қилинган. Маҳалла нурунийлари чойхона масаласини кўтаришган ва масъуллар улар учун алоҳида чойхона қуриб беришни ваъда қилишган. Афсуски, бу ваъдалар расмийлаштирилмаган. Маҳалла учун қурилган чиройли бинонинг иккинчи қаватига аввал вилот, кейин шаҳар маҳалла бўлими, биринчи қаватида маҳалла фуқаролар йиғини жойлашган. Йиллар ўтгач, чойхона қуриб беришни ваъда қилганлар ишдан кетган ёки бошқа ишга ўтган. Янгилари эса чойхона қуришга асос топишмаган.

Маҳаллаларнинг бино билан таъминланганлик даражасини ўрганиб чиққандим. Ҳали ўндан зиёд маҳалла ўз биносига эга эмас ёки мослаштирилган биналарда фаолият юритаётганини, ҳозирча бўлимда нурунийлар учун чойхона қуриб бериш имконияти йўқлигини тушунтирдим. Саидвали аканинг ҳомийлар ёрдами ва маҳалла аҳолисининг кўмаги билан чойхона биносини ўзимиз қуришга ёрдам беринг, деган илтимосига ҳам ечим топилмади. Бир неча бор қилинган муносабатга тегишли ташкилотлардан аҳоли зич жойлашган маҳалла ҳудудига нурунийлар чойхонаси қуриш учун ер майдони ажратишнинг имкони йўқлиги ҳақида жавоблар олдим.

Ишхонамиз бир бинода бўлгани учун Саидвали акани кўриб турардим. Қачонларди бузиб юборилган чойхона масаласида айбим йўқлигини билсам-да, у билан учрашганда ўзимни гуноҳкордек ҳис этардим. Бундай ҳолатдан қандай қутулиш мумкинлигини ўйлардим. Айни вақтга келиб, Саидвали аканинг пенсиягача бўлган иш фаолияти билан танишган, таржимаи ҳолидан унинг катта ташкилотларда раҳбарлик лавозим-



ларида ишлаганидан хабардор эдим. Йўли битта, у билан гаплашиб олиш. Ахир у ҳам раҳбар бўлиб ишлаган, тушунди. Лекин нимани гаплашаман, нимани тушунтираман, бимасдим. Шундай бўлса-да, бир кун уни хонамга таклиф этдим ва ҳал бўлмай қолган ишимизга нукта қўйиш учун сўхбатлашиб олишимиз кераклигини айтдим.

- Сўхбатлашамиз, лекин бу масалага нукта қўйиб бўлмайди. - деди Саидвали ака нима демоқчи эканлигини олдиндан билгандек. - Биламан, кўп маҳаллада нурунийлар учун чойхона йўқ. Лекин мавжуд чойхонани бузиб, ўрнига бошқа қуриб берамиз, деб алдаб кетиш... Йўқ, бунга нукта қўйиб бўлмайди.

- Раҳбар бўлиб ишлагансиз, - дедим мен ҳам бироз қизишиб. - Илгариги бино билан ҳозиргисини таққосланг, қай бири талабга жавоб беради. Бу кўча шаҳарнинг асосий кўчаларидан бири. Бузиб тўғри қилишган. Чойхона биносига келсак, ўрнига қуриб берилиши йиғилиш баёнига киритилганда, судга муносабат қилиш мумкин бўларди. Буни ўзингиз ҳам яхши биласиз.

- Раҳбар бўлиб ишлаганим учун бу масалани кўтарганим, - деди Саидвали ака афсусланган ҳолатда. - Раҳбар айтганим, уни бажартириши керак. Акс ҳолда, одамларда раҳбарга нисбатан ишонч йўқолади. Бу энг ёмонга.

Шу сўхбатдан кейин ўзаро муносабатда чойхона қурилиши тилга олинмайдиган бўлди. Лекин иккимиз ҳаракат қилиб, охирига етказолмай қолган масаланинг ачиқ хотираси кўнглимизда сақланиб қолгани ҳақиқат.

Вақт ўтиб, мени шаҳар нурунийлар жамоатчилиги кенгашига раис этиб сайлашди. Кенгаш аъзоларидан бири Саидвали ака эканини эшитиб, жуда хурсанд бўлдим. Катта тажрибага эга, фидойи инсонлар фаолият юритадиган жамоада ишлаш кишига қанчалар завқ беришини кўп қўрганман. Дарҳақиқат, олтинчи мингдан зиёд пенсия ёшидаги кекса авлод вакиллари биллаштирган шаҳар нурунийлар кенгашини умрини элу юрт хизматида бағишлаган отахон ва онахонлар ташкил этиб, уларнинг ҳар бирига маълум йўналишда иш олиб бориш белгиланган. Саидвали акага ёшлар ўртасида шашка ва шахматни тарғиб этиш вазифаси юклатилган экан.

Ўндан ташқари, у яхшигина пазанда ҳам бўлиб, дастурхон ёзиладиган тадбирларда у тайёрлаган палов ва бошқа таомлар барчанин мақтовига сазовор бўларди. Саидвали ака ёз кунларидан берида биз, нурунийларни Зарафшон дарёсига яқин бўлган дала ҳовлисига таклиф этди. Мевалар фарқ пишган, дарахтлар остидagi сўрида жой қилинган экан. Кичиккина ҳовлида дарахтлар шундай зич экилган эдики, уларнинг қуюқ сояси менда саратон тафтини пасайтириш учун атай шундай экилган деган тасаввур пайдо қилди. Кўнглимдан ўтганини сезгандек, мезбон отахон изох берди:

- Ҳовли каттароқ бўлганда, яна кўп дарахт экардим. Шафтоли ва олма-ларнинг ўнлаб турлари бор. Эртапишари ёз аввалида узилса, кечқисини кузак охиригача асраш мумкин. Эсингизда бўлса, бузилган маҳалла ҳовлисига қандай ажойиб боғ бор эди. Чойхонада ўтирган қариларнинг баҳри дили яйрарди. Маҳалла ҳудудидан ороқ ер ажратишса, чиройли боғ қилардим. Лекин чойхона учун ер ажратилмади-да.

Саидвали аканинг бу эзгу орзусини билардим, бу орзу армонга айланганини ҳам билардим.

Лекин Саидвали аканинг армони бор десам, ҳеч ким ишонмаслиги аниқ. Шундай одамда армон бўлиши мумкинми?

Хуршид НУРУЛЛАЕВ,
"Нуруний" жамғармаси Самарқанд шаҳар бўлими раиси.

Yosh ixtirochi Boburjon Astanov o'zining "Eko daraxt" loyihasi bilan "Green Spark" tanlovda ishtirok etib, g'olib bo'ldi. Markaziy Osiyo yoshlari o'rtasida o'tkazilgan mazkur tanlovning final bosqichi Qoraqalpog'iston Respublikasi Nukus shahrida bo'lib o'tdi. Undan ko'zlangan maqsad yoshlar orasida ekologik va texnologik g'oyalarni rivojlantirishga qaratilgan.

Yosh tadbirkorning "Eko daraxt" loyihasi xalqaro tanlovda g'olib bo'ldi

G'oliblarga 28 ming AQSh dollari miqdorida mukofot puli ajratilgan bo'lib, bu mablag'ning 3 ming dollari viloyatimiz sha'nini himoya qilgan Boburjon Astanovga nasib etdi.

- "Eko daraxt" shahar ekologiyasini yaxshilash va atrof-muhitga zarar yetkazmasdan, innovatsion texnologiyalarni joriy etishga qaratilgan, - deydi u. - Loyiha havoni tozalovchi, atmosfera monitoringini olib boruvchi hamda energiya manbalarini optimalashtiruvchi aqlli sun'iy daraxtlar tizimini yaratishni nazarda tutadi.

Boburjon Astanov bundan tashqari, "aqlli o'rindiq" va "aqlli bekat" loyihalarini ham ishlab chiqqan.

Tohirjon ANVAROV.



XA'ET SABOQLARI

▶ Изланган шахс йўлни ўзи топади.

▶ Трактор юкни тортиб, қаршилиқни енгиб ўтади.

▶ Донни бошоқда пишганда ўришади.

▶ Двигатель ишлаганда ҳам ёнилғи сарфи меъёрини билади. Ҳатто двигательга ҳам меъёр зарур. Инсонга-чи?

▶ Автомобил рули сизни текис йўлга ҳам, нотекис йўлга ҳам етаклаши мумкин. Бу сизнинг истагингизга боғлиқ.

Худоёр НОРБАЕВ,
Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети доценти, техника фанлари номзоди.

MUASSIS: Samarqand viloyati hokimligi

Bosh muharrir: Farmon TOSHEV

Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 14 590 nusxada chop etildi. Hajmi 2 bosma taboq, bichimi A-2

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56

BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61

MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi.

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi.

«Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.

Korxonalar manzili: Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy.

Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da.

Bosishga topshirildi: soat 19:00

Navbatchi muharrir:

A.SHERXOLOV.

Navbatchi:

D.TO'XTAYEV.

Sahifalovchi:

B.ABDULLAYEV.



Saytimizga o'tish uchun QR-kodini telefoningiz orqali skaner qiling

ISSN-201667X



Sotuvda narxi kelishilgan holda

